



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия билан узлуксиз таъминлаш, соҳа корхоналарида самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу борада 10 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида вазифалар белгиланган эди. Мутасаддилар шу аснода амалга оширилган ишлар, куз-қиш мавсумига қўрилган тайёргарлик тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиб бораётган талабига мос ҳажмда газ етказиб берилмоқда. Тармоқлар модернизация қилинаётгани, иқтисодиётда энергия самарадорлиги оширилаётгани натижасида йўқотишлар камаймоқда. Масалан, сўнгги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун газ сарфи 1,6 баробар камайган.

Олдинда яна кўп вазифалар бор. Ҳозирги мавсум ва келгуси йилларда аҳолини энергия манбалари билан барқарор таъминлаш, бунинг учун етарли захира тайёрлаш зарур.

Йиғилишда шу масалалар тармоқлар кесимида муҳокама қилинди.

Бу йил қиш мавсумида истеъмолчиларга 21 миллиард

куб метр газ етказиб бериш ҳисоб-китоб қилинган. Ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетса, аҳоли эҳтиёжи янада ошади. Мутасаддилар бу борадаги режаларни ойма-ой ва туманлар кесимида баён этди.

Ижтимоий муассасалар ва корхоналарни энергия билан узлуксиз таъминлаш учун алоҳида захира инobatга олинган. Ушбу табиий газни иссиқлик электр станциялари, кимё ва металлургия корхоналари, газ қуйиш шохобчаларига манзилли етказиш бўйича тизим ташкил этилган.

Тармоқларда газ ҳисоби ва назорати бўйича бошланган ишларни қатъий давом эттириб, йўқотишларни янада камайтириш мумкинлиги таъкидланди. Андижон, Навоий ва Тошкент вилоятларида газни тежаш бўйича аниқланган имкониятларни бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ишни туман ва маҳаллалар миқёсда ташкил этиб, энергия таъминоти би-

лан боғлиқ масалаларни ҳо-йида ҳал қилиш, талаб ва истеъмолни мувофиқлаштириб, узилишларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда газ соҳасидаги трансформация жараёнларига ҳам тўхталиб ўтилди. Тармоқ корхоналари халқаро молия бозорига чиқиб, модернизация учун маблағларни мустақил жалб этиши белгиланди.

Газ тармоқларини янгилаш ва тартибга солишда энг катта имконият — рақамлаштириш ва хусусий шериклик. Шу нуқтаи назардан, тармоққа хусусий операторларни жалб қилиш бўйича таклифлар қўриб чиқилди.

Президент ҳар бир тармоқ ва унинг корхоналари кесимида таннархни камайтириш, харажатни мақбуллаштириш ва трансформация жараёнини тезлаштириш бўйича топшириқлар берди. Етақчи хорижий компанияларни жалб этиб геология-қидирув ишларини кенгайтириш муҳимлиги айтилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 23 октябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ҳамда мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (бундан буён матнда Омбудсман деб юритилади) инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакл-

лари ҳамда воситаларини тўлдирди. Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришга ҳамда уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашади.

Омбудсман ўз фаолиятини ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Омбудсманга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоладанган гувоҳнома берилди. Омбудсман гувоҳномадан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

3-модда. Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Омбудсман ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширади.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ШАЪНИМИЗ ВА ОР-НОМУСИМИЗ ТИМСОЛИ



Давлат рамзлари — миллий ўзлик, тарихий қадрият аънаналар, улғуф ниятлар ва эзгуликларни ифода этган Ватанимизнинг азиз тимсоллари. Агар уларга қалб кўзи билан қарасак, ҳар бири ўзига хос, мазмун-мундарижаси гўзал, алоҳида китоб эканини кўриш мумкин. Ҳўш, бу китобни ким ўқий олади? Ким уларнинг моҳиятидаги эзгу ниятларни теран тушунади?

Сурур

Албатта, ўз юртини чин дилдан яхши кўрган, элини ардоқлашга қодир, тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ кўрадиган одамлар! Уларни бир сўз билан фидойилар, десак, хато бўлмайди. Мен ҳамиша ўзимни шундай инсонлар қаторида кўришга ҳаракат қиламан ва бу йўлда меҳнатдан қочмайман.

Ўзбекистон байроғи... У ҳақда ўйласам беихтиёр кўз олдимга жаҳон арена-

ларидаги зафарларим, ғолибликдан сўнг байроқни елкамга ёпиб давра айланишим, мадҳиямиз янграши, кейин байроғимиз юксакка кўтарилиши, шоҳ-супада қароқларим намлашиб, юрагим тез-тез уриб, ичимдан “Ўзингга шукр!” дейишим кўз олдимга келади. Бундай ҳисларни туйиш, қалбга жо қилишнинг гашти бўлакча!

Байроқ оддий мато эмас, ахир у рамз, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз, матонатли халқимиз, юксак зафарларимиз рамзи. Буни биз, спортчилардек теран англайдиган, дилдан ҳис этадиган одам кам топилса керак.

Париж шаҳрида бўлиб ўтган ёзи Олимпия ўйинлари ҳаётимдаги энг қувончли воқеалари ўлароқ

хотирамга муҳрланди. Ажойиб ҳислар оғушида яшаб, халқимиз ва Юртбошимиз ишончини оқлай олганимдан ифтихор туйдим, уларнинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ҳамда кўлловига муносиб жавоб беролганимдан кўнглим таскин топди. Байроғимиз нуфузли мусобақада юксакка кўтарилар экан, юрагим янада тўлқинлар, жоҳажон Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимни, бироз бўлсада, адо этолганимдан фахр туйрдим. Бу унутилмас ва шарафли лаҳзалар...

Бугун байроғимиз озод ва обод юрт узра мағрур хилпираб турибди. У бизни юртимиз тинчлиги, равнақи йўлида яқдил қилиб, мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлигини ҳамиша кўз қорачигидек асраш, буюк аждодларга муносиб ворис бўлиш, юксак ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга даъват этмоқда. Ишончимиз қомилки, байроғимиз улғу мақсадларимиз йўлида ҳамиша хилпираб, бизни янги марраларга манзилларга илҳомлантираверади.

Диёра КЕЛДИЁРОВА,
дзюдо бўйича Ўзбекистон
миллий терма жамоаси
аъзоси, ёзи Олимпия
ўйинлари ғолиби,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спортчи.

Рағбат

ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ НАМУНАСИ

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан пойтахтимизда бир гуруҳ ҳамюртларимиз “Диний бағрикенглик” кўрак нишони билан тақдирланди.

Тадбирга турли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари ва диний конфессия вакиллари, миллий маданий марказлар фаоллари, юртимизда миллатлараро дўстлик ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз ҳамда ОАВ вакиллари тақлиф этилди.

Дин ишлари бўйича қўмита раиси С. Тошбоев ушбу мукофотга сазовор бўлганларни самимий қўтлаб, бугун юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизга катта муваффақиятлар тилади ва мукофотларни ўз эгаларига топширди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 сентябрдаги “Диний бағрикенглик” кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарорига кўра ушбу кўрак нишони билан диний-маърифий соҳадаги ислохотларни тарғиб этиш, фуқаролар эътиқод эркинлигини таъминлаш, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва

«Халқ сўзи».

Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЮРТИМИЗДАГИ ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК МУҲИТИ

тинчлик-барқарорлик ҳамда ислохотлар самарадорлиги омили



Ўзбекистон — бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатларни кўксига авайлаб улғайтираётган, бошига паноҳ бўлаётган жоҳажон Ватан! Бу заминда ўзаро дўст, ҳамжиҳат, ҳар қандай вазиятда бир ёқадан бош чиқариб, кези келса, бир майизни қирқ бўлиб еган турли миллат ҳамда дин вакиллари бугун ягона халқ сифатида дунёда ўз нуфузи ва обрўсига эга бўлиб бормоқда.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни



Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилidir.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан турли миллат вакилларида эъзиб олинган дил сўзларида ана шу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топди.

5-саҳифага қаранг. ➡



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4-модда. Омбудсман фаолиятининг асосий принциплари

Омбудсман фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймаслик, ҳолислик, очкиқликдан иборатдир.

5-модда. Омбудсман лавозимига номзодага қўйиладиган талаблар

Сайланиш куни ўттиз ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудida муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Омбудсман лавозимига сайланиши мумкин.

6-модда. Омбудсманни сайлаш

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Омбудсман лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Омбудсманни сайлаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида тегишлинча Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Омбудсман номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин палаталарнинг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Омбудсман ўз ваколатлари муддати тугагач, янги Омбудсман сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Айни бир шахс Омбудсман лавозимига сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

7-модда. Омбудсман лавозимига номувофиқ бўлган фаолият

Омбудсман сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёҳуд тугатиши шарт. Омбудсман илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

8-модда. Омбудсман ўринбосари

Омбудсман ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Омбудсман ўринбосари лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Омбудсман томонидан тақдим этилади.

Омбудсман ўринбосари Омбудсманнинг зиммасидаги вазифаларини бажаришга қўмаклашади, Омбудсман йўқлигида унинг вазифасини бажариб туради.

Омбудсман ўз лавозимидан муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, Омбудсман ўринбосари унинг вазифасини янги Омбудсман сайлангунига қадар бажариб туради ва Омбудсман учун белгиланган кафолатлар ана шу даврда унга нисбатан татбиқ этилади.

Омбудсман ўринбосари сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёҳуд тугатиши шарт. Омбудсман ўринбосари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

9-модда. Омбудсманни ёки унинг ўринбосарини лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш

Омбудсман ёки унинг ўринбосари лавозимидан қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда;
- унинг соғлиғи ҳолати барқарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган хулоса билан тасдиқланган тақдирда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳўкми қонуний кўчга кирган тақдирда;
- у қонунга қўра Омбудсман (Омбудсман ўринбосари) фаолиятига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;
- у суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;
- у суднинг қарори билан бедаарқ йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- у вафот этган тақдирда.

2-боб. Омбудсманнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти кафолатлари

10-модда. Омбудсманнинг асосий вазифалари

Омбудсманнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;
ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка рияя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш;
жисмоний ва юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш;
инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш ҳамда уларни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;
ички ишлар органлари тизимига кирадиган маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассасаларда, воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида, Ўзбекистон Республикаси Қўролли Куларининг гарнизони ҳамда қўшин гауптвахталарида, вақтинча сақлаш хибсхоналарида, тергов хибсхоналарида, жазони ижро этиш муассасаларида, интизомий қисмларида, мажбурий даволаш муассасаларида (бундан бўён матнда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар деб юритилади) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш;
аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги халқро ҳамда миллий қонунчилик нормаларини тарғиб қилиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашиш;
инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш.

11-модда. Омбудсманнинг дахлсизлик ҳуқуқи

Омбудсман ўз ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки унга суд тартибда бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Омбудсманга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Омбудсманни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг ўй-ҳойини, хизмат ҳонасини, юқини, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

12-модда. Омбудсманнинг ҳуқуқлари

Омбудсман қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги хабарларни ташкилотлар ва мансабдор шахслар билан биргаликда текшириш;

ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

ўз ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлари, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим этиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ёзма равишда огоҳлантириш юбориш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида ташкилотларнинг раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли ташкилотларга илтимоснома киритиш;
фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ҳамда даъволар билан судларга мурожаат этиш;
инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир илмий-амалий, таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, олимларни, экспертларни ҳамда мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан шартнома асосида жалб этиш.

Омбудсман қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13-модда. Омбудсманнинг мажбуриятлари

Омбудсман:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва қонун ҳужжатларига рияя этиши, ўз зиммасига юкатилган вазифаларини бажариши;

ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга оширилаётган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаз қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига рияя этиш;

мурожаат этувчига унинг мурожаатини кўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши шарт.

Омбудсманнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

14-модда. Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маъруза

Омбудсман ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ўз фаолияти тўғрисида маъруза тақдим этади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузада қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг (бундан бўён матнда қийноққа солиш ҳоллари деб юритилади) олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам акс эттирилади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани кўриб чиқиш якуналари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинган қарорлар Омбудсманга юборилади.

15-модда. Омбудсманнинг махсус маърузаси

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган махсус маъруза тақдим этишга ҳақли. Махсус маъруза инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки тақлифлардан иборат бўлади.

16-модда. Омбудсманнинг муқобил маърузаси

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан муқобил маъруза тайёрлашга ва тегишли халқаро ташкилотларга тақдим этишга ҳақли.

17-модда. Омбудсман фаолиятининг очкилиги

Омбудсман ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор шахсларнинг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг қонунчилида белгиланган тартибда фойдаланиши имкониятини таъминлайди.

Омбудсман ўз фаолияти тўғрисидаги тегишли ахборотни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради ва янгилаб туради, Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани ҳамда бошқа материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Омбудсман ўз матбуот органини таъсис этиши ва бошқа матбуот нашрларининг ҳаммуассиси бўлиши мумкин.

18-модда. Омбудсман фаолиятининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида favkuлодда ҳолат жорий этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва (ёки) Сенатининг тарқатиб юборилиши Омбудсман фаолиятини тўхтатиб туришга ёки тугатишга олиб келмайди.

3-боб. Омбудсман томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

19-модда. Омбудсман томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Омбудсман аризалар, тақлифлар ва шикоятлар тарзида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади. Омбудсман шикоятларни ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда, аризалар ҳамда тақлифларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудida турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ташкилотларнинг ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёҳуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ҳамда ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Омбудсман учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари

бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қилади.

Шикоятлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Омбудсман қабул жадвалларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини, шунингдек жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабулларини ташкил этади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари, қабулни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби Омбудсманнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш, шунингдек унинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Омбудсман суднинг ваколатлари доирасига кирадиган масалаларни, шунингдек жисмоний шахсларнинг бошқа жисмоний шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир мурожаатларини кўриб чиқмайди.

Аноним мурожаатлар Омбудсман томонидан кўриб чиқилмайди.

20-модда. Омбудсман томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари

Омбудсман мурожаат этувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки, агар мурожаат этувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, унинг шикояти бўйича охирига қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Шикоят беришининг узрли сабабларга қўра ўтказиб юборилган муддати Омбудсман томонидан тикланиши мумкин.

21-модда. Омбудсманга бериладиган шикоятларга қўйиладиган талаблар

Омбудсманга берилган шикоятда мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, шикоят юридик шахс томонидан берилган тақдирда эса унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Шикоятда қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилади, мурожаат этувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини бузган қарорларнинг, ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг ҳомияти баён этилади. Шикоятлар давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма шикоят мурожаат этувчининг имзоси ёки юридик шахс ваколатли вакилининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ёзма шикоятни мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, шикоят уни ёзиб берган шахсининг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Электрон шаклда берилган шикоят қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб шикоятлар қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилиши мумкин.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда ёки ҳимоянинг ҳуқуқий воситаларидан мустақил равишда фойдаланишга лаёқатсиз шахсларни ҳимоя қилиш учун ўз ташаббуси билан фактлар текширувини ўтказишга ҳақлидир.

Шикоят бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг қўйирма нусхалари, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар шикоятга илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, бундан мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар мустасно.

Мурожаат этувчилар ва уларнинг вакиллари шикоятни у кўриб қилингунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда шикоят юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан қақуриб олиши мумкин. Шикоятни қақуриб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Омбудсман томонидан чоралар қўрилишини истисно этмайди.

Омбудсманга берилган шикоят учун давлат божии ундирилмайди.

22-модда. Омбудсманнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда қўмаклашишини сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни тақлиф этиш;

мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш;

мурожаатни унинг ҳомиятига қўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш;

мурожаатни кўриб чиқишни сабабини қўрсатган ҳолда рад этиш.

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23-модда. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг Омбудсманга мурожаат этиши

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатлари уларнинг сони чекланмаган ҳолда Омбудсманга номига юбориш ҳуқуқига эга.

Омбудсман номига юбориладиган мурожаатлар цензурадан ўтказилмайди.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти мазкур жойларда сақланаётган шахсларнинг мурожаатларини Омбудсманга йиғирма тўрт соатдан кечиктирмай, муҳрланган тарзда юборади, телеграммаларни эса жазони ижро этиш муассасалари дарҳол юборади.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг мурожаатлари Омбудсманнинг юборилган жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва мурожаат этувчига зудлик билан етказиб берилади.

Омбудсман, унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари мурожаатлар кўриб чиқилаётганда, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳоллари Омбудсман ташаббуси билан ўрганилаётганда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсл

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

(Давоми. Бошланғиш 1, 2-бетларда).

Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши, лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида иштирок этиши ҳамда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар ва мулоҳазалар киритиши мумкин.

34-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир фаолияти

Омбудсман аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормалари тўғрисидаги билими ва хабардорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларини, усулларини ва механизмларини ўргатишга қаратилган маърифий ҳамда таълим дастурларини, илмий-амалий тадбирлар ва семинарларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

35-модда. Омбудсманнинг парламент назоратининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббусига қўра текшириш билан боғлиқ материалларни ҳар чорада умумлаштириб боради.

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ материалларни умумлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек ҳамият ва давлат манфаатлари бузилишига олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш натижаларига қўра давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш масаласини қўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига муурожаат қилиши мумкин.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламент назоратини амалга оширишга доир тадбирларида иштирок этишга, уларга қўриб чиқилаётган масалалар юзасидан материаллар тақдим этишга ҳақлидир.

36-модда. Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳамкорлиги

Омбудсман қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши мумкин ва суд томонидан қўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақлидир.

37-модда. Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорлиги

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажлисларида иштирок этишга ҳамда қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақи.

38-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлиги

Омбудсман ўз фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлик қилади.

39-модда. Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги

Омбудсман мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва бошқа дастурларни, шунингдек инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ўз вазифалари доирасида амалга оширади.

Омбудсман ўзи томонидан шакллантириладиган ишчи гуруҳлар ва экспертлар гуруҳлари, комиссиялар ҳамда бошқа жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ахборот алмашинувини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Омбудсман фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиши, шунингдек улар билан битимлар тузиши мумкин.

40-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир фаолияти

Омбудсман инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб қиришга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ва хорижий институтлар билан ҳамкорликни амалга оширишга ҳамда ривожлантиришга ҳақли.

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши тўғрисида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий институтларнинг хабардорлигини оширишга қўмаклашади.

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилишига доир маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

41-модда. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига rioя этилиши бўйича комиссия

Омбудсманнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига қўмаклашиш мақсадида Омбудсманнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига rioя этилиши бўйича комиссия тузилиши мумкин.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига rioя этилиши бўйича комиссиянинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

42-модда. Омбудсманнинг фаолиятига қўмаклашиш

Ташкилотлар ва мансабдор шахслар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигига таалуқли бўлган, Омбудсман билан сўралган ҳужжатлари, материалларини ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этиши шарт.

Омбудсман ўз фаолиятига доир масалалар бўйича ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ бўлган ташкилотларга Омбудсманнинг кириши тартиби, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни Омбудсманга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Омбудсманнинг фаолиятига тўққонлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

6-60б. Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари фаолияти

43-модда. Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари

Худудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ҳамда қўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қўмаклашиш учун Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили (бундан бўён матнда минтақавий вакил деб юритилади) доимий асосда фаолият юритади.

Минтақавий вакил Омбудсман томонидан тайинланади. Унга Омбудсман томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади.

Минтақавий вакил бевосита Омбудсманга ҳисобдордир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари минтақавий вакил фаолиятига қўмаклашади.

Минтақавий вакил худудда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисида Омбудсман билан келишилган ҳолда ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига маъруза тақдим этади.

Минтақавий вакилнинг фаолияти Омбудсман томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

44-модда. Минтақавий вакилнинг асосий вазифалари

Минтақавий вакилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тегишли худудда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига rioя этилиши мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш;
- тегишли худудда яшовчи жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ҳамда қўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда қўмаклашиш;
- ўз ташаббуси билан ёки муурожаат этувчининг илтимосига қўра муурожаатни экспертлар, мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида қўриб қиқишни ташкил этиш;
- ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига rioя этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ахборот-маърифий ишларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда амалга ошириш.

45-модда. Минтақавий вакилнинг ҳуқуқлари

Минтақавий вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги хабарларни ташкилотлар ва мансабдор шахслар билан биргаликда текшириш;

тегишли худуддаги ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини қўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

тегишли худуддаги ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

муурожаатни унинг моҳиятига қўра ҳал қилишга ваколатли бўлган тегишли худуддаги ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда қўмаклашишни сўраб тегишли худуддаги ташкилотлар ва мансабдор шахсларга муурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш;

ўз ваколатига таалуқли масалалар юзасидан тегишли худуддаги ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан статистика маълумотларини, таҳлилий материалларини, хулосаларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

муурожаатни қўриб қиқишни сабабини қўрсатган ҳолда рад этиш.

Минтақавий вакил қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

46-модда. Минтақавий вакилнинг мажбуриятлари

Минтақавий вакил: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва қонун ҳужжатларига rioя этиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш;

Омбудсманнинг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолияти тўғрисида Омбудсманга ҳисобот тақдим этиб бориш;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига rioя этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшираётганда маълум бўлиб қолган, муурожаат этувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсга доир маълумотларини уларнинг розиликсиз ошқор қилмаслиги; муурожаат этувчига унинг муурожаатини қўриб қиқиш натижаларини хабар қилиши шарт.

Минтақавий вакилнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7-60б. Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олддини олиш бўйича фаолияти

47-модда. Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олддини олиш бўйича ваколатлари

Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда исталган вақтда, монеликсиз ва дастлаб хабар бермасдан мониторинг таширфларини амалга оширади.

Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда мониторинг таширфларини амалга ошириш чоғида: ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг сони ҳақида ахборот олади; ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шарт-шароитларини ўрганади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда шахснинг сақланиши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва, зарур бўлганда, улардан қўчирма нусхалар олади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар маъмуриятига мазкур жойларда сақланаётган шахсни

тиббий текширувдан ўтказиш, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам қўрсатиш юзасидан талабнома киритади. Мазкур тадбирлар ўтказилаётганда ушбу шахснинг розилиги билан ҳозир бўлиши мумкин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти раҳбарларидан мазкур жойларда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади.

Омбудсман: ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар маъмуриятининг байриқонуний ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) чек қўйиш учун зудлик билан қоралар қўради; ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни сақлаш шарт-шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади; тегишли ташкилотларга уларнинг қийноққа солиш ҳолларининг олддини олишга доир фаолиятини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади;

қийноққа солиш ҳолларини бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга талабнома киритади.

Омбудсман сақланаётган шахслар ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларда ҳам қийноққа солиш ҳолларининг олддини олиш бўйича ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қораларни, Омбудсман ўринбосари ва минтақавий вакиллари эса ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қораларни қўради.

48-модда. Омбудсман ҳузуридаги Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, байринсоний ёки қадр-қийматни қамситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олддини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари

Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олддини олиш бўйича фаолиятига қўмаклашиш мақсадида Омбудсман томонидан Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, байринсоний ёки қадр-қийматни қамситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олддини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари (бундан бўён матнда Жамоатчилик гуруҳлари деб юритилади) ташкил этилади.

Жамоатчилик гуруҳлари, қоида тариқасида, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат таркибда шакллантирилади. Бунда Жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг қамида қирқ фоизини аёллар ташкил этиши керак.

Омбудсман Жамоатчилик гуруҳлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда уларнинг вазифаларини белгилайди.

49-модда. Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари фаолиятининг кафолатлари

Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган ҳоллар тўғрисида гувоҳлик беришга ёки бу ҳолатларни бирон-бир тарзда ошқор этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Бу кафолат шахс Жамоатчилик гуруҳи таркибидан чиққанидан кейин ҳам амал қилади.

50-модда. Жамоатчилик гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш

Жамоатчилик гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8-60б. Яқунловчи қондалар

51-модда. Омбудсман Девони

Омбудсман фаолияти Омбудсман Девони томонидан таъминланади.

Омбудсман Девони давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, ўз ҳисоб-китоб варағига ва бошқа ҳисобварақларига, ўз номин ёзилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади.

Омбудсман Девонининг тузилимаси ва унинг ҳодимларининг штат бирилиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Омбудсман Девони тўғрисидаги низом Омбудсман томонидан тасдиқланади.

Омбудсман фаолиятининг молиявий, моддий-техника ва бошқа таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда унда алоҳида сатрда назарда тутилади.

52-модда. Омбудсман ва унинг ўринбосарининг транспортта имтиёзли rioя ҳуқуқи

Омбудсман ва унинг ўринбосари қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортда (бундан такси ва шахар йўловчилар транспорти мустасно) имтиёзли rioя ҳуқуқига эга.

53-модда. Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

54-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилисн:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-иқроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 818, 823, 828-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилисн:

- 1) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилисн:
«Шикоятларни қўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазонин ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга»;
- 2) **79-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилисн:

«Омбудсман қутиси тегишинча фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки унинг Девони ҳодимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ёки унинг қотибияти ҳодимлари томонидан очилади».

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **33-моддас**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

«23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг), унинг ўринбосарининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Болалар омбудсманининг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қамоқда сақлаш жойларига бориши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари (бундан буён матнда минтақавий вакиллар деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қамоқда сақлаш жойларига монеликсиз кириш, шунингдек ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга), унинг ўринбосарига, минтақавий вакиллариغا, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилига (Болалар омбудсманига) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушлаб турилганлар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг), унинг ўринбосарининг, минтақавий вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Болалар омбудсманнинг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан учрашувлари ва суҳбатлари қамоқда сақлаш жойи ходимлари уларни қўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади».

5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон

Республикасининг Бюджет кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда; № 10, 605-модда; № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) 70-моддаси биринчи қисми 5-бандининг еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Девонининг».

6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги УРҚ–420-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда) 23-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«махсус қабулхонага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари монеликсиз киришиши ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаши».

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги УРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 8-модда биринчи қисми:

45-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи

юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини қўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги 46-банд билан тўлдирилсин:

«46) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) – фуқаролар манфаатларини қўзлаб бериладиган аризалар ва даъволар билан судга мурожаат қилганда»;

2) 10-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 20-банд билан тўлдирилсин:

«20) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) – фуқаролар манфаатларини қўзлаб берилмадиган аризалар билан судга мурожаат қилганда».

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги 392-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 102-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 669-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–441-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 170-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–441-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартда қабул қилинган «Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–530-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 165-модда) 2-моддаси;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–563-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 588-модда) 8-моддаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) 73-моддаси;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 февралда қабул қилинган «Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–909-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 109-модда) 2-моддаси.

55-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.
56-модда. Қонунчиликини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика иқро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
57-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши
Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 15 ноябрь № УРҚ—1002



ИЗДАН ЧИҚИШИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Иқлим ўзгариши нотинч асримизнинг асосий муаммоларидан бирига айланди. Инсониятнинг тараққиётга эришиш йўлида табиғатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳит мувозанатининг издан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Оқибатда сайёрамизда қор қоплами қисқарди, бугланиш кучайди. Қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши, чўлланиш жадаллигининг кучайиши кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини бузиб, озик-овқат хавфсизлигига зарар етказаяпти. Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олаётгани бежиз эмас.

Муносабат

Шу йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси иштирокчиларининг 29-конференцияси доирасидаги Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш йўналишидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммити ҳам муаммо кўлами ошиб бораётганини кўрсатади. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти вакиллари тўплаган ушбу форум иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш, иқлимга оид стратегиялар ва “яшил” энергетикага ўтишни молиялаштириш борасидаги халқаро сайё-ҳаракатларни бирлаштиришда гоят муҳим аҳамиятга эга.

Иқлим ўзгариши муаммоси Орол денгизининг қуриши оқибатида келиб чиққан экологик инқирозни бошидан кечи-раётган Марказий Осиё минтақаси учун энг ўткир муаммолардан бирига айлан-моқда. Шу нуктаи назардан, халқаро ан-жуманда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ҳамда доимгидек илгор таъкидларини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги даврда иқлим муаммолари жа-ҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари замо-намизнинг аянкли экологик инқирозлари-дан бири — Орол фожiasi туфайли Мар-казий Осиё ва унга ёндош минтақалар-да, айниқса, жиддий сезилмоқда.

Минтақамизда ҳаво ҳароратининг оши-ши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки барабар кўп, сўнгги йилларда фақулд-да иссиқ кунлар сони икки марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми эриб битди. Тупроқ емирилиши, мунта-зам чанг ва кўм бўронлари, ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохил-маҳиллик қисқариши, ҳосилдорлиқнинг кескин пасайиши ва кўплаб бошқа муам-молар минтақада истикомат қилаётган миллионлаб одамларнинг турмуш сифа-тига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вази-фаси. Шу боис Ўзбекистон ўз зиммасига атмосферага зарарли чиқиндилар чиқа-



ришни камайитириш бўйича мажбуриятлар олган.

Гап шундаки, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидлар-га комплекс жавоб қайтариш мақсадига 2015 йил 12 декабрда Париж битими қабул қилинган. Ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Битимнинг мақ-сади БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий Конвенцияси амалга оширили-шини фаолаштириш, глобал ўртача ҳара-ратнинг 1750 йилгача бўлган даврдагига нисбатан 2 даражага сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг Цельсий кўрсаткичида 1,5 даражагача ўсишини чеклашга ҳаракат қилишдан иборат. Бу 2050 йилга бориб “иссиқхона газлари” глобал ажратмала-рини 40 — 70 фоизга камайитириши ва 2100 йилга бориб уни 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этади.

Иқтисодиётда “яшил” энергетика улуши 40 фоизгача оширилади

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил 19 ап-рель куни БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж битими-ни имзолади. Мазкур битим 2018 йил 3 октябрь куни ратификация қилинди. 2030 йилгача узок муддатли истикболда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгари-шига қарши кураш чора ва ҳаракатларни қучайитиришни мўлжалламоқда.

Париж битими доирасидаги бош мақ-сад эса минтақада ҳаво ҳароратининг жа-дал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий юз йилликда 1,5-2 даража атрофида сақлаб қолишдир. Давлатимиз раҳбари ўз

нуткида эътироф этганидек, Ўзбекистон углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий олиб борапти. 2030 йилгача ҳавога “иссиқхона газлари” чиқарилишини 35 фоизга ка-майитириш режа қилинган. Иқтисодиётда эса “яшил” энергетика улуши 40 фоизга-ча оширилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳаво ифлосланишини кескин камайитиришга хизмат қиладиган электромобиль ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хаблари яратилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси до-ирасида қўқаламзор худудлар кескин қўлайитириляпти. БМТ шафелиги остида эса Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама ше-риклик асосида траст фондининг ташкил этилиши ёки Оролнинг қуриган тубида ўрмонзор ташкил этилаётгани, бир ярим миллион гектардан зиёд майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари уруғлари сетилганлиги ва қўчатлари экилганлиги ҳам Ўзбекистоннинг муаммога бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Олиб борилаётган ислохотларни жа-ҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватламоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тар-моқларини иқлим ўзгаришларига мос-лаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланганлигини эътилоб ўтиш жоиз.

Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Респуб-ликасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориде атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътибор-ни қучайтириш масалалари белгиланган-лиги иқлим ўзгаришларининг олдинди олиш ва унга мослашиш учун хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, Бокудаги “COP29” анжу-мани доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида Европада “яшил” энергия етказиш бўйича кўп томонлама битим имзоланди. Ушбу энергия шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тиклана-диган ва тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирини юмшатиш имконини бе-ради. Шу орқали томонлар Париж бити-ми ва Барқарор ривожланиш мақсадла-ри доирасида иқлимни муҳофаза қилиш бўйича қўшма сайё-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

Қайта тикланувчи энергиянинг катта захиралари мавжуд

Мамлакатимиз қайта тикланувчи энер-гиянинг катта захираларига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқ-ли ҳисса қўшиши мумкин. Шу муносабат билан Президентимиз бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли иш-

ларнинг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, юртимизда “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган бўлиб, ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга ту-ширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тик-ланувчи энергия ишлаб чиқариш қувват-лари ва 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизимлари уланади. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимла-рини яратиш режалаштирилган. Бунинг на-тижасида ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, энергетика инфратузилмаси ривожланади, технологик ва ишбилармон-лик алоқалари кенгайди. Аҳоли турмуш фа-ровонлиги ошади. Иқлим яхшиланишига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

“Мамлакатимиз қайта тикланувчи энергиянинг катта захираларига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Шу муносабат билан Президентимиз бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, юртимизда “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган бўлиб, ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда.

Афсуски, инсоният қайта тикланмай-диган, ҳавога зарарли чиқиндиларни кўп чиқарадиган энергия ресурсларига руку қўйган. Бунинг оқибатида охириги 20 йил ичида 4,5 миллиардга яқин одамлар йи-рик табиий офатлар қўрнишидаги иқлим ўзгариши таъсиридан азият чекди, 1,2 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 трлн. долларни ташкил этди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим кел-тириб чиқарадиган оқибатларга қўпроқ мойил. Бугунги кунда минтақа мамлакат-лари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қанча салбий оқибатларни бошдан кечи-раётир.

Олайлик, музликлар майдонининг қисқариши туфайли охириги 50 — 60 йил ичида минтақадаги музликлар майдони 30 фоизга қамайди. Ҳароратнинг 2 да-ражага кўтарилиши музликлар майдо-нининг 1,5 барабар, 4 даражага кўтари-лиши 80 фоизга қисқаришига олиб ке-

лиши мумкин. Сув ресурсларининг етишмаслиги ҳам энг йирик муаммолар-дан. Сувдаги стресс даражаси минтақа мамлакатларида аллақачон критик да-ражага етган.

Башоратларга кўра 2050 йилга бориб сув ресурслари Сирдарёда 5 фоиз, Амударёда 15 фоизгача қисқаради. Ер-ларнинг деградацияси ва чўлланиши ҳам инкор этиб бўлмас масалалардан. Мана шуларни инобатга олиб, давлатимиз етакчиси Боку саммитида қатор ташаб-бусларни илгари сурди.

Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарлар-ни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъ-сис этиш, БМТ шафелигида Дарё экоти-зимларининг бутунлиги ва экологик хавф-сизлигини таъминлаш бўйича мажбури-ятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқил, денгизга чиқиб имкони бўлмаган давлатлар учун юртимизда БМТнинг ин-новацион агросаноат хабини яратиш,

борини яна бир бор Орол денгизи инқи-розига қаратиш имконини беради.

Маъкур бўҳрон сўнгги 40 йил ичида денгиз майдонининг 57 фоизи, ҳажми-нинг 80 фоизи ва қуқуригининг 64 фои-зи йўқолишига сабаб бўлди. Ўзбекистон ва қўшни давлатлар Орол денгизининг қуриши, унинг тубидаи осмонга кўтарил-ган пестицидли чанглارнинг одамлар са-ломатлиги, деҳқончилик ва иқтисодиётга таъсиридан азият чекиб келаётганига анча бўлди. Дунёда иқлим ўзгариши эса ден-гизлар ўта узок жойлашган минтақада ҳам сувсизлик, саҳролашиш ва чанг бўронла-ри каби ҳолатларни кучайтира бошлаган.

Ўзбекистон — 2030: экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳамоҳанг

Давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда илгари сурётган таклиф ва ташаббуслари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган эколо-гик вазиятни барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳамоҳанг.

Стратегияда кўрсатилган вазифаларга кўра “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа-си доирасида 444 та яшил бог барпо этилади. Бунинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муасса-саларининг худудида яшил боглар ташкил қилинади. Бунда, айниқса, йирик саноат корхоналари жонбозлик кўрсати-ши назарда тутилган.

Ўрмонлар майдонини кенгайтириш бо-расида ҳам вазифалар белгиланган бўлиб, хусусан, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фо-изга, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзор-ларни 1,9 миллион гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшм-ча 200 минг гектар яшил майдонларни барпо этиш мақсад-вазифалари ифода-ланган. Бундан ташқари, иқлим ўзгари-ши салбий таъсирининг олдини олиш мақ-садида чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-кўм бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 400 минг гек-тар майдонда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилинади.

Бу эса, ўз навбатида, турли чанг-тўзон-лар кўтарилишига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

ЮРТИМИЗДАГИ ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК МУҲИТИ

тинчлик-барқарорлик ҳамда ислохотлар самардорлиги омили

Аҳиллик бор жойда барака бўлади

Айгул ПИРНАЗАРОВА, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг этнография бўлими раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳибаси:

— Инсон ҳаётида ота-она, яқинлар, фарзандлар билан бир қаторда дўстларнинг ҳам ўзига хос ўрни, аҳамияти бор. Дўстлик нима билан ўлчанади? Албатта, унга содиқлик, меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, дилдошлик, ҳар қандай вазиятда ёнида тура олиш билан!



Шу маънода, ўзбек ва қорақалпоқ халқларини энг яқин дўстлар, десак, янглишмаймиз. Кейинги пайтларда Оролбўйида турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини сақлаш, уларнинг урф-одат ва қадриятларини

улуғлашга қаратилган қатор амалий ишлар уddаланмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси асосида Нукусда “Оққуш” мажмуиси барпо этилиб, унинг ҳудудида дунёдаги энг катта диаметри ўтов қурилган эди. Яқинда ушбу қорақалпоқ ўтовни Гиннесснинг рекордлар китобига киритилди. Шунингдек, бу ерда қорақалпоқ, қозоқ, туркман, қирғиз, бошқирд каби туркий халқлар ўтовлари ташкил этилган. Бу қардош элларимиз тарихи, маданияти ва турмуш тарзи муштараклиги рамзидир.

Бинобарин, Қорақалпоғистонда барча байрам тадбирлари, муҳим саналарда туманлар ва ҳудудларда истиқомат қиладиган бошқа миллат вакиллари ҳам ўтовлар тиклайди, ўзига хос безатади. Мана шу кўргазмали тадбирнинг ўзи ҳам мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар аҳил-иноқ умргузаронлиқ қилиб келадиганига ҳаётий мисол. Зеро, аҳиллик бор жойда барака бўлади, байрам шуқуи кезади.

Қулай шарт-шароитлар шарофати

Игорь РЕШЕТНИКОВ, “Наманганская правда” газетаси масъул котиби, вилоят рус миллий маданий маркази фаоли:



— Наманган вилоятида ҳозирда ўн беш минг нафарга яқин руслар умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг кўпи шу жойда туғилиб ўсган бўлса, бошқалари бу ерни иккинчи Ватан сифатида қадрлайди.

Меннинг Россиядан “гуллар шаҳри”га келиб яшай бошлаганимга эса ўттиз беш йилдан ошди.

Айтиш керакки, ўз иқтидори, билим ва тажрибасини намойиш этиш учун яратилган тенг имкониятлар рус диаспорасининг ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришдаги фаол

лигини оширмоқда. Буни улар орасидан кўплаб салоҳиятли мутахассислар, эл қорига камарбаста тадбиркорлар, инновацион гоёлари билан тараққиётга ҳисса қўшадиган ёшлар мисолида кўриш мумкин.

Улардан бири — Анна Добрих ва у ҳозирда вилоятдаги истиқболли текстиль корхоналаридан бирини маҳорат билан бошқараётир. Истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирish, ҳудуд экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида кўпчиликка ибрат бўладиган тадбиркор аёл “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Эришадиган ютуқларимиз жонажон Ўзбекистонимизда барча миллат ва элат вакилларининг бир оила фарзандлари сингари ҳаёт кечирishi учун етарли шарт-шароитлар яратилгани, инсон қадри, унинг манфаатлари устуворлиги таъминланаётгани шарофатидир.



Бизни Ватан туйғуси бирлаштирган

Наталья КАЙЗЕР, Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази вакили:



— Самарқанд шаҳридаги “Дўстлик уйи”да вилоят немис миллий маданий маркази фаолият олиб боради. Ҳудудда немис миллатига мансуб 100 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладди. Улар орасида тадбиркор, ўқитувчи, курувчи, шифокор ва бошқа касб эгалари бор.

Ватан туйғуси бизни бирлаштирган. Турли миллат ва элатларга бағрини очган заминда оға-ини, дўст-биродар, куда-анда, бир халқ бўлиб, аҳилликда умргузаронлик қилиб келямиз. Шу боис бир мақсад атрофида дарров жипслашамиз.

Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази ҳукуматимиз ва Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан немис тилидаги газета ва журналлар, китоб ҳамда бошқа ўқув қуроллари билан таъминланган. Фарзандларимиз улар билан танишиб, немис миллий маданияти, урф-одатла-

ри ва қадриятларини ўрганмоқда. Шунингдек, ёшлар марказда ташкил қилинган тўғрақларда нафақат немис тилини, балки она Ватанини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, миллий либослар бичиш ва тикишни ўзлаштиради.

Юртимизда ўтаётган Мустақиллик, Наврўз, Конституция байрамларида, фестивалларда нафақат ашула ва рақс гуруҳимиз билан, балки штурдел, ревалкухе, пуделсуп каби немис миллий таомлари билан ҳам қатнашамиз.

Энг ардоқли юрт

Радион ЛИ, Бухоро вилояти корейс миллий маданий маркази раҳбари:



— Оилавий сабабларга кўра, 2007 йилда Қорақалпоғистондан Бухорога кўчиб келганмиз. Орадан беш йил ўтгач эса миллий маданий марказ раҳбари сифатида иш бошладим. Ушанда қавмдошларимиз билан яқиндан танишиш, улар кўнглига йўл топиш, ўй-ташвишларини енгиллаштириш мақсадида хонадонма-хонадон юрганишимиз яхши эслайман.

Шу асосда марказимиз атрофида 20 нафардан зиёд фаоллар тўпланди. Улар билан бирга миллий урф-одатлар, анъаналарни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, маданий тадбирлар ўтказиш борасида дурустгина тажриба тўпладик. Рус, татар, тожик, туркман каби қатор миллий маданий марказларнинг фаоллари билан алоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Биз учун ардоқли Ўзбекистонда ташкил этиладиган байрам тадбирларида, халқ сайилларида ўз дастурийимиз билан қатнашяпмиз. Марказимиз қоидада фаолият юритаётган “Пом” (“Баҳор”) хор ансамбли

ҳам бухороликларга яхши таниш.

Таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлигининг кўмаги, қўллаб-қувватлаши ўз олдимида кўйган мақсадларни амалга ошириши-мизда қўл келяпти. Хусусан, вилоят марказида “Дўстлик уйи”нинг фойдаланишга топширилиши, миллий маданий марказларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши аини муддао бўлди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимлик корейс қабристонига элтадиган йўлни ободонлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ечимида кўмаклашди. Хар бир мурожаатимиз эътиборда.

Биз, корейс қавми вакиллари асрлар давомида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маскани бўлиб келадиган Ўзбекистонда тинч-тотув яшаётганимиздан мамнунмиз.

«Бағри кенг ўзбекнинг...»

Перизат МИНГТАЕВА (Навоий вилояти, Конимех тумани, “Бирлик” МФЙ):



— Хар сафар давлатимиз мадҳияси янграб, шу сатрлар навбати етганида қалбимни соҳир ҳаяжон чулғаб олади. Халқимизнинг бағрикенглигидан фахр туяман. Шу юртда туғилганимдан ғурурланаман.

Мен қозоқ миллати вакилиман. Ўзбекистонда таваллуд топиб, умумий ўрта ва олий таълимни она тилимда олдим. Мен каби миллатдошларим учун вилоятимиздаги 50 дан ортиқ умумтаълим мактабларида таълим қозоқ тилида йўлга қўйилиб, ушбу жараёнларда миллий урф-одат ва қадриятларимиз ҳамда анъанала-

римизга юксак эҳтиромни доим ҳис этамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлигининг Навоий вилояти Конимех туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Маҳаллада ижтимоий хизматни ташкил этиш шубҳаси мудир сифатида меҳнат қилаямман. Хизмат тақозоси билан мамлакатимизда инсон

Бир оила фарзандларимиз

Обиджон НОСИРОВ, Қирғиз миллий маданий маркази Андижон вилояти бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси:



— Ўзбек ва қирғиз миллатлари азал-азалдан қондош, қариндош бўлган. Тўғри, тилимиз, урф-одатларимизда фарқ бўлиши мумкин, бироқ мақсадимиз бир. У ҳам бўлса она Ватанимизда аҳил яшаш ва шу юртининг равнақиға муносиб ҳисса қўшишдир. Бугунги кунда ана шу мақсад билан яшаётган қирғиз миллати вакиллари сони 150 минг нафардан зиёдни ташкил этади.

Шу юртда яшаётган хар бир фуқаро сингари қирғизлар ҳам жамиятда муносиб ўринга эга. Уларнинг хар бири эл-юрт манфаати учун ҳаракатда. Мисол учун, “Люкс текстиль” МЧЖ раҳбари Тўланбой Раимовни олайлик. У бошчилигидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида 150 та иш ўрни яратилган. Жа-

моа томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Россия ва Қирғизистонга экспорт бўлмоқда. Бу каби ютуқларга эришишда мамлакатимизда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқли экани ва уларнинг хар соҳада эркин ва фаол иштирок этиши қанолатлангандир.

Тан олиш керак, хар бир давлатда



Мен англаган ҳақиқат

Абдукарим ШАРИПОВ, Жиззах вилояти тожик миллий маданий маркази раиси:



— Икки миллат, лекин бир халқ, деб аталувчи ўзбеклар ва тожиклар асрлар оша оға-ини бўлиб, яшаб келмоқда. Халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий, адабий алоқалар ҳам қадимий тарихга эга. Бугунги кунда ҳам маданий-маърифий муносабатлар хар қачонгидан ривожланиб бормоқда.

Ёшим саксонни қоралади. Жаннатмонанд юртимизда ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари билан бир оила аъзоларидек иноқлида яшаб келямман. Бу ҳам мамлакатимиздаги тўғри сиёсат, эзгу ишлар самарасидир.

Миллатлараро дўстлик Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликда ҳам муҳим роль ўйнапти. Масалан, жорий йилнинг апрель ойида “Китобсевар миллат” шиори остида Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази ва вилоят тожик миллий маданий маркази ҳамкорлигида Янгиобод туманининг Чаканд ҳамда Форш туманининг Ухум қиш-

лоқларидаги ўқиш тожик тилида олиб бориладиган мактабларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда ўзбекистонлик ижодкорлар, маънавият тарғиботчилари қаторида Тожикистондан тақилф этилган маънавият ва маърифат маркази фаоллари ҳам қатнашди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда турли миллатларнинг аҳил яшаётгани, албатта, она Ватанимиз тинчлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ҳа, бизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларимиз кўп, лекин энг қадрлиси, энг асосийси, албатта, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқдир. Зеро, турли миллат ва элат, дин вакиллари ўзаро ҳурматда, тотув яшасагина юрда осудалик, тараққиёт барқарор бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу элни куйлаб, шоир бўлдим

Али НАСИРЛИ, Озарбайжон миллий маданий маркази Сирдарё вилояти филиали фаоли, “Дўстлик” ордени соҳибаси:



— Бутун жонажон Ўзбекистонимиз каби Сирдарё вилоятини ҳам, ҳеч муболағасиз, ўнлаб миллат ва элатларнинг кўркам гулшанига қиёс қилса арзийди. Бинобарин, юртимизнинг барча ҳудудидан кўчиб келганлар қаторида турли миллат вакиллари ҳам асрлар бўйи чўли биёбон бўлган Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган. Улар воҳада биргаликда обод манзиллар барпо этиш баробарида ҳамжиҳатлик, дўстлик, биродарликнинг мустаҳкам пойдеворли кўргонини ҳам қурганлар.

Бугун ана шу аҳиллик қононаси янада кўркам ва файзли. Негаки, кейинги йилларда юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустакамлаш ҳамда кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бағрикенгликни умуммиллий қадрият даражасида улуғлаш ва ривожлантиришга жуда катта эътибор берилаетир. Фахр билан ай-

таманки, ҳамжиҳатлигимиз дунё халқлари ҳам ҳавас қиладиган энг улуғ ва бебаҳо бойлиғимиздир.

Камина шу азиз юртнинг озарбайжон миллатига мансуб фуқаросиман. Қасбим ҳуқуқшунос, аммо мени кўпчилик шоир сифатида танийди. Шеърларимнинг бош мавзуси ҳам Ватан мадҳи, халқлар дўстлиги. Миллатлараро биродарликнинг янада мустаҳкам бўлишига шеърй сатрларим билан, озми-кўпми, ҳисса қўшадиган бўлсам, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблайман. Мени шоир қилган ҳис эса мана шу тақрори йўқ Ватаним ва унинг бағрикенг, кўнгли беғубор, танти халқига бўлган меҳр-муҳаббатдир.

Чексиз ғамхўрликдан баҳраамандмиз

Елена ДУНИНА, меҳнат фахрийси (Термиз шаҳри):



— Бағрикенглик қон-қонига сингиб кетган ўзбеклар азал-азалдан турли дин ва миллат вакиллари билан дўст-биродар яшаган. Табиатан меҳр-оқибатли, савоатпеша бу замин халқи суронли уруш йилларида, шўролар замонида қатағону қувгинга ураган кўплаб миллат вакиллариға ўз уйидан бошпана берди, оғир дамларда бир бурда нонини баҳам кўрди. Татар миллатига мансуб юртдошларимиз ҳам бу ўзбекона фазилатлардан баҳраманд бўлди.

Биз, татарлар ҳам бошқа диаспоралар сингари шу элда доимий кўним топдик, ўзбекларга хос дўстона муносабатлар боис қаддимизни тикла-

дик. Зурриётларимиз шу заминда туғилди, шу ерда таълим-тарбия олиб, вояга етди, шу масканда оилали бўлди, обрў-эътибор қозонди. Биз учун Ўзбекистон ҳақиқий Ватан бўлиб қолди.

Бу она замин муҳитига шунчалар сингиб кетганмикин, бир лаҳза бўлсин, узоклашгим келмайди. Қаерда бўлсам ҳам Ватанимга, шу юртга талпинман. Чўнки Ўзбекистонда ҳеч бир нарсасга эҳтиёжим бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларида миллатлараро муносабатларнинг янги қирралари кенг қўлоч ёймоқда. Миллатимизга хос урф-одат ва анъаналаримиз янада ривожланыпти. Бугун билагимиздан куч, белимиздан қувват кетганинда ҳам чексиз ғамхўрликдан баҳраамандмиз. Юртбошимиз биз, кексаларни ҳеч ёлғизлатиб қўймайди, меҳрини аямайди.

Шундай гўзал, тинч юртда яшаётганимиздан мамнунмиз. Осмонимиз ҳамиша маусуф, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ҳамфикр ва маслакдошлик саодати

Галина АКОПДЖАНОВА, Фарғона вилояти славян миллий маданий маркази раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси:



— Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган 10 га яқин миллий маданий марказлар қаторида бизнинг марказимиз ҳам чорак асрдан буён самарали иш юритиб келмоқда. Бугунги кунда марказимиз фаоллари 200 нафардан зиёдни ташкил этади.

Айни пайтда вилоятда 45 минг нафарга яқин миллатдошларимиз истиқомат қиладди. Славян миллатига мансуб аҳоли вакиллари Сўх туманидан ташқари вилоятнинг барча шаҳар-туманларида ҳамюртларимиз билан ўзаро ҳамфикр ва ҳаммаслак кун

кечириб келмоқда. Марказ қошида 4 та — “Славяночка” клуби, “Вдохновение”, “Фантазия”, “Сударушка” ансамбли фаолият кўрсатади. Байрам тадбирларида ўз дастурларимиз орқали фаол қатнашамиз. Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан юртимизда ўтаётган “Бағрикенглик ҳафталиги” тадбирларида бошқа миллий маданий марказлар билан ҳамкорликда ўз чиқишларимизни намойиш этаймиз.

Мен ҳам Ўзбекистонда қадр ва эъзоз топдим. Шу боис ўзимни барча ҳамюртлар қатори Ватан тақдир ва келажакка дахлдор ҳисоблайман. 2021 йили давлатимиз раҳбари Фармонига кўра “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланганим менга янада ғайрат-шижоат бахш этади. Тинч-осойишта ва фаровон ҳаётимизга асло қўз тегмасин.

Маданиятларимиз яқдил, қадриятларимиз ҳамоҳанг

Хамро ШАРОПОВ, “Навобахш” халқ этнографик ансамбли бадий раҳбари:



— Миришкор туманининг Жейнов маҳалласи нафақат туман ёки вилоят, балки мамлакатимиз микёсидаги энг номдор маҳаллалардан биридир. Бу ерда юртимиздаги араб диаспораси вакиллари-нинг энг катта гуруҳи яшайди.

1991 йилда маҳалламизда Араб миллий маданий маркази ташкил этилган бўлиб, бу марказ миллатимизнинг ўзига хос қадриятлари, анъана ва урф-одатларини кенг тарғиб қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Марказ қошида “Навобахш” халқ этнографик ансамбли ҳам фаолият юритади. Ўзим ҳам бир неча йилдан буён ушбу ансамблининг бадий раҳбари сифатида фаолият олиб бораман. Айни вақтда жамоамиз репертуарида ўзбек ва

араб халқлари фольклорларидаги кўп лаб қўш иқ хамда рақслар, халқ миллий ўйинлари жамланган. Ўзига хос либослар коллекцияси мавжуд. Вилоят ва республика микёсидаги деярли барча йирик байрам ва фестивалларда иштирок этиб келмоқдамиз.

Ўзбек ва араб халқларининг маданияти, анъаналари, турмуш тарзи бир-бирига ўхшаш. Биз эса икки миллат вакилларининг ана шу тарихий маданиятини ўрганиш, тўплаш ва тараннум этиш, қолаверса, келажак авлодларга етказиб бериш йўлида меҳнат қиладиганимиздан фахрланамиз.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАҒСИЛОТЛАР

Сара тўпламларга мансуб 14 та экспонат

Айни кунларда Лондондаги Британия музейида "Silk Roads" (Ипак йўллари) кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



Маданий мерос агентлиги маълум қилишича, мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг энг сара тўпламларига мансуб 14 та экспонат тақдим этилган. Ашё ва буюмлар орқали милодий 500 — 1000 йиллар мобайнидаги даврда Буюк Ипак йўли бўйлаб кишилар, маҳсулотлар ҳамда ғояларнинг ўзаро ҳаракати маданият ва тарихнинг шаклланишига қандай ҳисса қўшгани намойиш қилинган.

Сомонийлар давлати санъати ҳамда меъморчилигида (875 — 999 йй.) форсий хусусиятларни учратиш мумкин. Уларни 1919 йилда археолог Михаил Массон томонидан Самарқанддаги Афросиёб харобаларининг гарбий қисмидан топилган жимжима нақшдин тўқималардан иборат катта ганчли паннода тўлиқ илгаш мумкин. Сомонийлар тураржой мажмуаси деворини безаб турган салмоқли ҳажмдаги (102х282 см.) қўл меҳнати намунаси деярли мукаммал ҳолатда сақланиб қолган.

Маълумот учун, кўргазма 2025 йилнинг 23 февралига қадар Британия музейининг "Sainsbery" галереясида ташриф буюрувчилар учун намойиш этилади.

Авиақатновлар сони янада ошади

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим тузилган эди.



Ушбу ҳужжатга асосан жорий йил 14 ноябрда "Ўзавиация" агентлиги томонидан "Flyadeal" авиакомпаниясига Ўзбекистон Республикасига Жидда — Тошкент — Жидда, Мадина — Тошкент — Мадина, шунингдек, Жидда — Наманган — Жидда йўналишларида мунтазам авиақатновларни амалга ошириш рухсатномаси расмийлаштириб берилди.

Маълумот учун, парвозлар "A320" ҳаво кемасида амалга оширилади.

Йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратилмоқда

Урганч шаҳрида аҳолига сифатли жамоат транспорти хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш, ҳаракат таркибини янгилаш, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида "Бунёд йўловчи ташиш" МЧЖ томонидан ХХРда ишлаб чиқарилган "Zong tong" русумли 30 дона автобус олиб келинди.



Корхона томонидан тижорат банкининг имтиёзли кредитлари асосида жами ана шу русумдаги 80 дона замонавий автобусни харид қилиш юзасидан шартнома тузилган.

Ҳозирги кунда лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 50 та автобус сотиб олинди. Тез орада қолган 20 та автобус ҳам етказилади.

«Халқ сўзи».

МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ — ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маълумки, юртимиз дунё тамаддуни ва Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган улуг алломалар, азиз-авлиёлар юрти сифатида шуҳрат қозongan. Бугун миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, аждодларимизнинг бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Нуктаи назар

Шу мақсадда сўнгги йилларда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда миллатлараро муносабатлар ва дин соҳаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилиниб, унга кўра мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоялаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш бўйича янги тизим жорий этилди.

Мана шундай эзгу ишлардан бири, бу диний ва дунёвий билимлар уйғунлиги асосида юксак малакали кадрларни тайёрлаш, жамиятда динлараро бағрикенглик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашни мақсад қилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши бўлди.

Академия исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, манбашунослик соҳаларида кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ҳамда "Ҳақолатга қарши маърифат" йўналишида тарғибот тадбирларини олиб борувчи республика миқёсдаги ягона таълим муассасаси ҳисобланади.

Айни дамда академияда халқаро муносабатлар ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари битирувчиларига рақобатбардош, кенг тафаккурга эга, миллий ўзлиқ, давлатчилик ва ватанпарварлик хислатлари чуқур шаклланган бакалавр ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланмоқда. Халқаро даражадаги кадрлар камолотда асрий анъаналар билан замонавий билимларни уйғунлаштириш асосий вазиға сифатида белгилаб олинган.

Академия мамлакатимиздаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганиш, диний-маърифий соҳа мутахассислари илмий салоҳиятини оширишга иxtисослаштирилган етакчи давлат таълим муассасаси сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, академия қошидаги Илмий кенгашда жами 164 нафар тадқиқотчининг диссертация ҳимоялари бўлиб ўтди, уларнинг 22 фоизи (4 та DSc, 32 PhD)

диншунослик иxtисослигига тўғри келади.

Академия ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида 22 минг нафардан ортик тингловчиларнинг малакаси оширилди. Тингловчиларга мамлакатимиз ҳудудида яшаётган миллатлар урф-одати ҳамда Ислом динининг маданий ва цивилизацион мероси, маънавий-фалсафий аҳамияти, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган мазсуларда малака ошириш ўқувлари ташкил этиб келинмоқда.

Бугунги кунга қадар академия профессор-ўқитувчилари томонидан 26 та диншунослик ва 39 та исломшунослик соҳасига тегишли дарслик ва ўқув қўлланма нашр этилди. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида 200 дан ортик монография, рисола ва ўқув адабиётлари халқимизга етказилди.

Ушбу адабиётлар таълим жараёнида талабаларга бой бўлган боғлиқ маълумотларни холислик таъминлашга асосланган ҳолда етказишга, уларда илмий-таҳлилий ёндашув, тадқиқ этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Талабаларда дин ҳақида холис, тўғри дунёқарашни шакллантириш, турли динларнинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти, таълимоти ва тарихи ҳақида тушунарлар бериш, дунёда мавжуд динларга хос бўлган умумий ва хусусий жиҳатларини таҳлилий ўрганишда асосий омил бўлади.

2019 йилдан бошлаб 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни билан боғлиқ тадбирлар Ўзбекистонда "Бағрикенглик ҳафталиги" тар-

Бугун юртимизда миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик маданиятини мустаҳкамлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси янги Ўзбекистонда мазкур соҳада янгича ёндашув ва стратегик мақсадларни бирлаштирувчи тизимни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчиларининг бош мақсади ҳам илмий тадқиқотлар ва таълим жараёни орқали ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш, уларни турли дин ва этиқодларга ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали Президентимиз томонидан билдирилган ишончни оқлашдан иборат.

зида кенг нишонланиб, унинг доирасида брифинг, давра суҳбатлари, конференциялар ва бошқа маданий-маърифий ҳамда илмий-амалий тадбирлар ўтказиш эзгу анъанага айланди.

Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида талабалар ўртасида "Билимдон диншунос" интеллектуал танлови, "Ўзбекистон — бағрикенг дийр" мавзуида иншоолар, видеоролик ва инфографикалар танловлари, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, турли конфессия вакиллари иштирокнда "Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик маданияти — боқий қадрият" мавзуида халқаро илмий-амалий семинар ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ҳожики, академиянинг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедраси ЮНЕСКОнинг динлараро ва маданиятлараро мулоқот йўналишига иxtисослаштирилган тармоғига қарашли дунёнинг 27 мамлакатда фаолият юритаётган жами 31 та кафедрадан бири бўлиб, республика миқёсда "Диншунослик" таълим йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрловчи ягона бўлиниа ҳисобланади.

Хар ўқув йили давомида 40 дан зиёд сайёр ва 20 дан ортик бинар маърузалар ташкил этилиб, талабалар диний конфессия вакиллари, раҳбарлари томонидан ташкилотлар тарихи, диний анъаналари, маросимлари, уларнинг хусусиятлари, ибодатхона атрибутлари билан таништирилди. Ибодатхоналарда бажарилаётган маросим турлари, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва бугунги кунда диндорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ушбу ёндашув талабаларда диний бағрикенглик маданиятини, динга нисбатан тўғри қарашни шакллантириш, соғлом этиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, динлараро бағрикенглик ғояси жамият аъзоларининг эзгули йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ҳамда тинчлик ва барқарорлиқнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳайрон ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори.
ЎЗА

РЕКЛАМА

«MADAD INVEST BANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ОВОЗ БЕРУВЧИ (ОДДИЙ) АКЦИЯЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ БЎЛГАН АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БИЛДИРИШНОМА

"Madad Invest Bank" акциядорлик тижорат банки Кузатов кенгаши мажлисининг 2024 йил 21 октябрдаги 70-сонли баённомаси асосида, номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 30 000 000 (ўттиз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акциялар чиқарилганини ҳамда ушбу чиқарилишдаги акциялар 2024 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида P0875-6-сон билан давлат рўйхатиға олинганини маълум қилади.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорға мувофиқ:
— ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акцияларини, ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади;
— банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 21 октябрь куни ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;
— имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган

тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун микдорини олиши мумкин;
— имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларини олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклидаги аризани ва ҳақ тўлашганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка (банкнинг бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати

ичида банкка (банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак;

— акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади;

— имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди;

— ушбу чиқарилишдаги акциялар 5 000 (беш минг) сўмдан жойлаштирилади;

— акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади;

— акциялар тўланишига келиб тушадиган нақд ва (ёки) нақдсиз шаклдаги пул маблағлари, шу жумладан, пластик карталардаги пул маблағлари кўчирилиши лозим бўлган Эмитентнинг банк рек-

визитлари — банк номи: "Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банки (қиска номи: "Мадад Инвест Банк" АТБ), ҳисобварағи: 29830000100001142001, банк коди (МФО): 01142, манзили: 100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 6-тор кўчаси, 9-уй бўйича қабул қилинади.

Имтиёзли ҳуқуқ асосида ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидагича: акциядор ўзига тегишли оддий акцияларни банк томонидан илгари жойлаштирилган жами 70 000 000 дона оддий акциядаги улушини аниқлайди ва шу улушга тенг улушда ушбу чиқарилишдаги акциялардан олишга ҳақли бўлади.

Банкнинг электрон почта манзили:
info@madadinvestbank.uz, расмий веб-сайти: www.madadinvestbank.uz
Телефон: 55-520-44-44.

17 ноябрь — Халқаро талабалар куни

Талабалик — умр китобида алоҳида боб, уни билиму тажрибалар, гўзал ва унутилмас хотиралар билан безаш эса инсоннинг ўз қўлида, албатта.

Бугун юртимизда таҳсил олаётган хорижлик ёшлар учун ҳам, чет эллардаги олийгоҳларда ўқиётган йигит-қизларимиз учун ҳам умр китобининг бу саҳифаларини сермазмун ва ўзига хос унутилмас хотиралар билан тўлдириш имконияти яратилган. Улардан қутилаётган ягона нарса ҳаракат, ўқиб-ўрганиш ва юрта муносиб фарзанд бўлиш мақсадидир.

Қуйида биз фикр-мулоҳазаларини ёзиб олган ёшларнинг сўзлари ҳам айнан шу ҳақда.

УЛКАН ОРЗУЛАРНИНГ ОЛТИН ПИЛАПОЯСИ

Ситора ҚАРШИЕВА,
Анкарадаги Ҳажеттепа университетининг ҳозирги турк лаҳжалари ва адабиётлари факультети магистранти (Ўзбекистон):

— Мамлакат ва халқнинг эртанги куни ёшларга боғлиқ деймиз ҳамиша. Ҳўш, айнан қандай ёшларга? Албатта, ўқиган, билимини мустаҳкамлаш йўлидан қайтмайдиган ва келажақда уни хайрли ишларга сарфлайдиган ўғил-қизларга. Бугун шундай ёшлар қаторида эканимдан қувонаман, ифтихор туяман.

Ўзбекистонда ўтган талабалик йилларим умримнинг энг гўзал, бахтиёр, ёрқин хотираларга бой бўлган фасли эди, очиги. Уни ҳамиша энтикиб эсга оламан, бакалаврдаги устозларим, маъруза заллари ва семинар дарслари бир-бир кўз олдимдан ўтади. Айниқса, Тошкент кўчалари, гавжум метрою автобуслар, файзли ва ҳамёнбоп емакхоналар, меҳри дўстлар, ёр-биродарлар, қувноқ суҳбатларни соғинаман.

Мана, бир йилдан буён Туркияда таҳсил олапман ва имкон қадар вақтдан унумли фойдаланиш,

кўпроқ нарсани ўрганиш, оиламни ҳам, ўқилишнинг ҳам бирдай эплашга ҳаракат қилишман. Асосийси, мақсадимиз улкан, шукр, бу йўлда ёлғиз эмасман, умр йўлдошим ва ўғлиминиз менга елкадош, доим қўллаб-қувватлашасди.

Тан олиш керак, Туркияда таълим олиш бизга нисбатан бироз қийинроқ. Илмий адабиётлар кўп, манбалар бисёр, уйга вазибалар ҳажми ҳам сезиларли даражада биздан фарқ қилади. Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам илм олиш йўлидан қайтмайман, меҳнатдан толмайман. Фурсатдан фойдаланиб дўстларимни байрам билан табриклайман, билим олиш шижоати ҳеч қачон сўнмасин!

Гулчин ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети талабаси (Қозоғистон):



олувчилар учун яратилган муҳит, ёшларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриб жуда хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, юртингизда ёшларга барча имконият эшиклари очик. Ўқиш дейсизми, билим ва малакасини оширишми, барчаси учун кенг шароитлар яратилган. Энди ўзингиз айтинг, сиз таълим-тарбия олишингиз, келажақда яхши яшашингиз, ҳаётда ўз ўрнинингизни топишингиз учун шунча инсон ҳаракат қилаётган бир пайтда жим туриш мумкинми? Албатта, йўқ.

Бугун ўзбек ёшлари, кўпплаб

йигит-қиз дўстларим, ўзим ҳам шу ишни уddалаш учун меҳнат қилаямиз, инсон умрининг олтин даври ҳисобланган талабалигимизни илму урфон, гўзал хотиралар билан безашга интиломокдамыз.

Тўғри, баъзида ўз юртим, оилам ва дўстларимни соғинаман, аммо таҳсил олаётган университетимиздаги қайноқ муҳит, меҳрибон устозларим, қадрдон дўстларим туфайли бу соғинч бироз пасаяди.

Тенгдошларимни ёшлиқнинг энг гўзал шодиёнаси — талабалар айёми билан қутлайман. Умримнинг шу палласи Ўзбекистонда ўтаётганидан розиман ва келажақда бу ерда олган билимларимни, албатта, эзгу ишларда қўллаб, мамлакатларимиз ривожига ҳисса қўшувчи инсон бўлишга интиламан.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахрирда келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрирда компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳас — Ш. Мусахҳабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6